

МИНТАҚА (ЎЗБЕКИСТОН) ТЕМИР ЙЎЛ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Жўрабоев Н.Ю*ТДТрУ доценти (Илмий раҳбар)***Раҳимбеков З.Х***талаба, ТДТрУ***Музаффаров А.Ш***талаба, ТДТрУ*

Аннотация: Мақолада Ўрта Осиё минтақасида темир йўлнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва ривожланиши, минтақада темир йўл қурилишининг мустамлакачилик моҳияти, темир йўлларнинг минтақа иқтисодий ҳаётига таъсири, Шўролар даврида Ўрта Осиё темир йўл тизимининг ўзига хос хусусиятлари, мустақиллик йилларида Ўзбекистон темир йўллари ривожини, янги тузилмаларнинг вужудга келиши ва умуман, темир йўлнинг ўлка иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида тутган ўрни каби масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: транспорт, темир йўллар, темир йўл тизими, Ўрта Осиё темир йўллари, станциялар, деполар, таъмирлаш устахоналари, янги темир йўллар қурилиши, Ўзбекистон темир йўллари акциядорлик жамияти.

Abstract: This article examines the emergence, formation, and development of railways in the Central Asian region, the colonial nature of railway construction in the area, the impact of railways on the region's economic life, the specific characteristics of the Central Asian railway system during the Soviet period, the development of Uzbekistan's railways in the years of independence, the establishment of new institutional structures, and, overall, the role of railways in the economic and social development of the region.

Keywords: transport, railways, railway system, Central Asian railways, railway stations, depots, repair workshops, construction of new railway lines, Joint-Stock Company "Uzbekiston Temir Yullari" (Uzbekistan Railways).

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин барча соҳаларда бўлгани каби транспорт тизимида ҳам қатор ислохотлар амалга оширила бошланди. Хусусан, транспортнинг халқ хўжалигидаги беқиёс ўрнини ҳисобга олиб, тез орада мазкур тизимни такомиллаштириш мақсадида “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси (1992 йил, 28-январь), “Ўзбекистон автомобиль транспорти” давлат акциядорлик корпорацияси (1993 йил, 8-январь), “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик компанияси (1994 йил, 7-ноябрь) кабилар ташкил этилди. Бугунги кунда

Республиканинг транспорт тизими темир йўл, автомобиль йўллари, замонавий ускуналар билан жиҳозланган темир йўл вокзаллари, станциялари, бекатлари, юк омборлари, пристанлар, ҳаво флотининг йирик аэровокзаллари ва бошқа инфратузилма бўлинмаларини қамраб олган халқ хўжалиги комплексини ташкил қилади.

Маълумки, транспорт тизимида темир йўллар алоҳида аҳамият касб этади. Биз шу ўринда транспортнинг ана шу тури ҳақида батафсил фикр юритмоқчимиз. Тарихга назар ташласак, темир йўллар қурилиши ўлкада XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошланганлигини кўриш мумкин. Ўшанда чор Россияси томонидан Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлариға қизиқиш ортиб бориб, ҳарбий мақсадларда темир йўл ётқишиш ишлари бошланган эди. Шу тариқа, тез орада дастлабки темир йўл излари Туркманистон орқали Янги Бухоро (Когон) ва Самарқанд шаҳарларига кириб келди. Бунда, албатта, энг аввало, ҳарбий ниятлар устувор бўлганлиги ўз-ўзидан тушунарли.

XIX асрнинг 80-йилларида Ўрта Осиёнинг Туркманистон худудларидан – Краснодарскдан бошланган темир йўл қурилиши тез орада Қизил Арвотга, сўнг Марв ва Чоржўйга, кейинроқ, 1886-1888 йиллар оралиғида Амударё-Самарқандгача етиб келди. Мазкур ишларнинг давоми ўларок, темир йўл поездлари 1887 йили Қўқонга, 1899 йили Тошкентга, 1900 йили Андижонга ҳам кириб келди. Натижада, ушбу магистрал йўлларга “Ўрта Осиё темир йўли” мақоми берилди. 1900 йилдан Тошкент-Оренбург йўналиши бўйича темир йўл қурилиши бошлаб юборилди ва у 1906 йилга келиб, тўла фойдаланишга топширилди.

Россиянинг Ўрта Осиё билан боғлайдиган темир йўлнинг ишга туширилиши йўл ёқалаб тақозо этилувчи инфратузилмани ҳам такомиллашиб боришиға сабаб бўлди. Тизимға хизмат кўрсатувчи станциялар, таъмирлаш устахоналари, деполар бунёд этила бошланди. Шу билан бирға, темир йўлларни ишға туширилиши ўлкадан хом ашё – пахта, жун, қуруқ меваларни ташиб кетиш, Россиядан эса мануфатура маҳсулотларини келтиришни ҳам тезлаштирди. Маълумотларға қарағанда, 1913 йилға келиб ҳаракатланувчи таркибда 531 та паравоз, 7953 та юк ва 495 та йўловчи вагонлар мавжуд эди. Тошкентда темир йўл устахонаси қуриди, 25 та билим юрти очилди. Темир йўл линияларининг умумий узунлиги 2740 км. ташкил этди.

Шўролар даврида ҳам темир йўл тизимида ишлар жадал суръатларда олиб борилди. Ўтган асрнинг 20-йилларида ва ундан кейинроқ янги йўналишлар, хусусан, “Амударё-Термиз” (1925), “Термиз-Жарқўрғон” ва “Фарғона-Қизилқия” (1926), “Андижон-Тентаксой” (1927), “Жарқўрғон-Душанбе”, “Душанбе-Янги бозор”, “Асака-Шаҳрихон”, “Қорасув-Ўш”, “Жалолобод-Кўкёнғоқ (1928-1932), “Конибодом-Шўроб” (1933), “Учқўрғон-Тошқўмир” (1935) йўналишлари қуриб, ишға туширилди.

Урушдан кейинги йилларда Ўзбекистон ҳудудида қуйидаги темир йўл станциялар бунёд этилди: “Салар-Барраж” (1947), “Чоржўй-Қўнғирот” (1957), “Навоий-Учқудук” ва “Сирдарё-Жиззах” (1962), “Келес-Ўзбекистон” (1966), “Барраж-Хожикент” (1967), “Суперфосфат (ҳозирги Мароканд) – Қарши” (1970), “Термиз- Қўрғон Тобе” (1974), “Найманкўл-Нукус” (1975), “Нукус-Чимбой” (1980). 1972 йилда ишга туширилган “Қўнғирот-Бейнов” темир йўл йўналиши эса, Совет Иттифоқининг Европа қисмига чиқиш имконини берди.

Эътироф этиш жоизки, гарчи Ўрта Осиёда темир йўл қурилиши дастлаб ҳарбий-сиёсий мақсадларни ифода этган бўлса-да, шу билан бирга, ўзаро иқтисодий-маданий алоқаларни ривожланишига, ўлкада қишлоқ хўжалиги ва саноатни пайдо бўлишига, янги аҳоли пунктларининг юзага келишига ҳам самарали таъсир кўрсатган.

Мустақилликдан кейин темир йўл тизимини миллий манфаатлар негизида такомиллаштириш ишлари янада авж олди. Дарҳақиқат, “Иқтисодиётнинг қон томири” деб таърифланувчи темир йўлларнинг транспорт тизимидаги ўрни шубҳасиз бекиёсдир. 1994 йил 7-ноябрда халқ хўжалиги ва аҳолининг темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш мақсадида ҳамда темир йўлнинг барқарор ва хавф-хатарсиз ишлашини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акционерлик компанияси ташкил этилди (2016 йили “Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамияти деб ўзгартирилди). Ҳозирги кунда Ўзбекистон темир йўлларининг умумий узунлиги 7100 км.дан ортиқни (01.01.2020 йил ҳолатига кўра) ташкил этади, шундан 2500 км. электрлаштирилган. Ўзбекистон темир йўллари 6 та минтақавий узеллардан ташкил топган. Булар: 1. “Тошкент” МТУ; 2. “Қўқон” МТУ; 3. “Бухоро” МТУ; 4. Қўнғирот” МТУ; 5. “Қарши” МТУ; 6. “Термиз” МТУ.

Мустақиллик йилларида Нукус-Қумшунғул (1993й.), Қумшунғул-Чимбой, Нукус-Султонувайс 1994 й.), Туямўйин-Тўрткўл (1996 й.), Учқудук-2-Султонувайс (1995-2001 йилларда), Тошғуздор-Қумқўрғон (1995-2009 йилларда), Яккабоғ-Чироқчи (1997 й.), Шовот-Жумуртов (1998-1999 йилларда), Бухоро-Мискин (2017 й.), Ургенч-Хива (2017-2018 йиллар) каби темир йўл линиялари барпо этилди. Шу билан бирга, 2011 йилда Тошкент-Самарқанд, 2015 йилда Самарқанд-Қарши оралиғида тезюрар “Афросиёб” поездлари қатнови ҳам йўлга қўйилди. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон темир йўл тармоғида мамлактмизнинг йўловчи ва халқ хўжалиги юкларни ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш билан бир қаторда, ўтган йиллар давомида ягона миллий темир йўл транспорти тизими яратилди. Натижада, ватанимиз пўлат магистралининг умумий узунлиги ҳозирги кунда 7100 км. дан ошди.

Шу ўринда, истиклол йилларида бунёд этилган иккита темир йўл аҳамиятини алоҳида таъкидлаш зарур. **Биринчиси** - 2001 йилнинг охирига келиб, фойдаланишга топширилган, узунлиги 633 км. ташкил этувчи Навоий-Учкудук-Султонувайстоғ-Нукус темир йўлидир. Эндиликда мазкур йўл ёқалаб ҳаёт жонланди. **Иккинчиси** – “Аср мўъжизаси” деб ном олган, узунлиги қарийб 223 км. ташкил этувчи Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўлидир. Хулоса қилиб айтганда, бу йўллар мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ягона транспорт тармоғига ишончли тарзда бирлаштириб, минтақамизда мавжуд бўлган бой минерал хомашё ва табиий ресурсларни ўзлаштириш учун кенг имокониятлар яратди.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги давлат сиёсати ҳам тобора мукаммаллашиб борди. 2013 йилда муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўлининг қурилиши бошлаб юборилди. Маълумки, ушбу йўл Хитой-Марказий Осиё-Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг муҳим қисми бўлиб хизмат қилди.” Ўзбекистон темир йўллари”АЖ ва Хитой Халқ Республикасининг “Чайна рейлавей туннел групп” компанияси билан тузилган шартноманинг умумий қиймати 455 миллион долларни ташкил қилди. Ангрен-Поп темир йўлнинг ишга туширилиш биз учун йилига 10 миллион тоннадан ортиқ юкни манзилига етказишда ҳам вақтни, ҳам маблағни бир неча бор тежаш, шунингдек, Фарғона водийсининг саноат ва инфратузулма имкониятларини ўзлаштириш имконини берди. Шу тариқа, ушбу темир йўл пойтахтмиз ва вилоятлармизни Фарғона водийси билан боғлаб, бундан ташқари, Европа ва Осиё қитъасини бир-бири билан туташтирадиган трансмиллий транспорт йўлларнинг муҳим бўғинига айланди. Хитой Халқ Республикаси раиси Си Цзинпин жаноблари таъкидлаганидек:”Бу иншоот ”Буюк Ипак Йўли иқтисодий йўналиши “ лойиҳасининг улкан ютуғи бўлди”. Шу билан бирга, бу лойиҳа халқимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорликнинг янги босқични бошлаб берди. Узунлиги 129 км. ташкил этган (19 км. тоннелли) мазкур оламшумул қурилиш 2016 йилида - мустақиллигимизнинг 25 йиллиги арафасида тўла фойдаланишга топширилди.

Траспорт соҳасида Хитой билан ҳамкорлигимиз шу билан чекланмайди. Марказий Осиё давлат раҳбарларининг ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 30 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган онлайн саммитда ҳам Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари томонидан тилга олинган Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл лойиҳасини жадаллаштириш таклифи муҳим ташаббуслардан бири бўлди. Маълумки, бу йўналишдаги лойиҳа 2000 йиллар бошларида ўртага чиққан эди. Аммо айрим сабаларга кўра, амалиётга кўчмай келди. 2017 йилда Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлини қуриш бўйича уч томонлама ишчи гуруҳ тузилди,

шунингдек, лойиҳанинг амалга оширишнинг учта варианты тайёрланаётгани ҳақида гап борди. 2018 йил июнь ойида бўлиб ўтган ШХТ саммитида далатимиз раҳбари Ўзбекистон-Мозори Шариф-Ҳирот, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўл линияларини қуриш, шу билан бирга, Марказий Осиё-Форс курфази, “Шимолий-Жануб” ва “Шарқ-Ғарб” трансминтақавий йўлакларни ривожлантириш тарафдори эканлигини таъкидлаб ўтди. Ваниҳоят, 2022 йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқандда бўлиб ўтган ШХТнинг 22-саммитида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Қирғизистон транспорт ва коммуникация вазирлиги ва Хитой тараққиёт ва ислохотлар давлат кўмитаси ўртасида “Ўзбекистон-Қирғизистон-Хитой” темир йўлини қуриш лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама битим имзоланди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг транспорт соҳасидаги муносабатларини тартибга солувчи “Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги Қонунида (2021 й.) транспорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида: транспорт соҳасида давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; транспорт тизимини мамлакат иқтисодиётининг стратегик сектори сифатида ривожлантириш; транспорт хизматларининг рақобатбардошлилигини, улардан фойдалана олишни, уларнинг самарадорлиги ва сифатини, хавфсизлиги ва экологик тозаллигини ошириш; транспорт соҳаси бошқарувини такомиллаштириш ва ҳар хил транспорт турларининг ўзаро боғлиқ тарзда ишлашини таъминлаш, шунингдек, самарали тариф сиёсатини юритиш; давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш; илғор инновацион ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш; кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш; халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва транспорт мажмуини халқаро транспорт тизимига уйғунлаштириш кабилар белгилаб қўйилган.

Хулоса илиб айтганда, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ шафелигида транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш бўйича Минтақавий марказни ташкил этиш ташаббуси минтақада, хусусан, Ўзбекистонда темир йўл транспорт-коммуникациялари соҳасини рақобатли топтиришга ва қатор устувор режаларни рўйбга чиқаришга асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи. – 2020 й., 23-сентябрь.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Транспорт тўғрисида”ги қонуни. - 09.08.2021 й. ЎРҚ-706-сон.
3. Юзбоева Г.М. Ўрта Осиёда темир йўлнинг пайдо бўлиши. –“Илмий тадқиқотлар ва жамият муаммолари”, Vol. 1 №2 2023.
4. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. “Т” ҳарфи. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2000.
5. Железные дороги в Средней Азии. – Ташкент, 1933.
6. Ахмаджонова З.К. К истории строительства железных дорог Средней Азии (1880-1917). - Ташкент, 1965.
7. Қонун устуворлиги йўлида. Солнома. – Т., “Ўзбекистон”, 2021.